"КЕЙС"НИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

НАВОИЙ. АҚШда ишлаб чиқарилган "Кейс" комбайнлари билан кунига 22-25 гектар майдонда буғдой ўриш мумкин. Россиянинг "Нива"сидан тубдан фарқ қилувчи бу техника автомат совутгич, шовқин ушлагич, ҳаво тозалагич ва хавфсизлик сигналлари каби қулайликларга эга. "Кейс" кунгабоқар, маккажўхори ҳамда бедани ҳам ўраверади. Бундай комбайнлар Хатирчи ва Қизилтепа тумани ғаллазорларидан кейин Навбаҳор ва Навоий туманлари томон ўтади.

Музаффар ШАРОПОВ.

УЮШМАМИЗ ҲАМ НАФ КЎРАДИ

ЖИЗЗАХ. **Арнасойдаги "Андижон" деҳқон хўжалиги уюшмаси хотин-қизлар кенгаши раиси Н. Мусурмонова очган тикувчилик корхонаси чеварларининг қўлиқўлига тегмаяпти.**

— Ўтган йили уюшмамиз учун этаклар тикиб, 90 сўмдан сотгандик,— дейди корхона раҳбари. — Бу йил унинг нархини 30 сўмга арзонлаштирдик. Шунда харажатларимиз қопланиб, уюшмамиз ҳам наф кўради. Чеварлар бугунгача 4.5 мингта этак тикиб қўйишган.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ТЎРТКЎЛ ГИЛАМЛАРИ

НУКУС. Тўрткўлда гилам тўқиш корхонаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Унга ЎзХДП аъзоси Ҳошимбой Қурбонов раҳбар. Бу ерда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб гилам, палос тайёрланмоқда. 50 киши меҳнат қиляпти. Корхона "Қизилқум" қоракўлчилик жамоаси билан шартнома асосида хом ашё олади. Омборда 15 тоннадан кўпроқ жун бор. Ўтган тўрт ойда 98 квадрат-метр гилам, 616 квадрат-метр палос ва 80 квадрат-метр совға гиламлари тайёрланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АСР ТЕНГДОШИ БЎЛАРДИ

БУХОРО. Агар эл севган ўғлон Файзулла Хўжаев ҳаёт бўлганида ўзининг юз ёшини қаршилаган бўларди. Когонликлар ҳам унинг хотираси билан яшамоқдалар. Яқинда ЎзХДП туман кенгаши шаҳар ҳокимлиги билан бирга хотира кечасини уюштирди. Унда ватан фидойиси Файзулла Хўжаев ҳақида маъруза қилинди, мулоҳазалар ўртага ташланди. Сўнг туман партия кенгашининг биринчи котиби Б. Муҳитдинов беш нафар кишига партия билетини топширди.

Даврон БАҲРОПОВ.

ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ ТИББИЙ КЎРИКДА

СИРДАРЁ. **"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Ш. Рашидов туманидаги олис қишлоқларда ҳомиладор аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Германиядан келтирилган асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган "Автоамбуланс" бригадасининг 14 кишилик аъзоси икки гуруҳга бўлиниб, қишлоқ ораламоқда.**

Абдужалил УМАРОВ.

БАРАКАСИНИ БЕРСИН

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят пиллакорлари давлатга 1904 тонна хом ашё топширдилар. Пилланинг 90 фоизи юқори сифатга қабул қилинди. Катта хирмонга Шаҳрисабз, Қарши, Китоб, Яккабоғ туманларининг пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Илғорларга оромгоҳларга бориш учун элликта йўлланма ажратилди.

Юнус УЗОҚОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 22 июнь, шанба № 77-78 (21.999).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 18 июнда «Товарларни экспорт қилишни тартибга солишни эркинлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 219-сон қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг тарифли ва нотариф усулларини эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида:

— 1996 йил 1 июлдан бошлаб 17 номдаги қуйидаги товарларга (товар гуруҳларига): молларнинг ичак-човоқлари, суяк ва мугуз, терилган гул ва ғунча, ерёнғоқ, кунжут уруғи, беда уруғи, атир-упа ва доришуносликда ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ўсимликлар, уларнинг алоҳида қисмлари, сувлар, шу жумладан маъданли ва шакар ҳамда бошқа ширин қилувчи моддалар қўшилган газли сувлар, ош тузи, арраланган мармар, арраланган гранит, нефть мойлари қолдиқлари, сочга мўлжалланган воситалар, совун, нефть смолалари, полимер қувурлар, трубкалар, шланглар, пластмассадан ишланган қурилиш деталларига экспорт бож пошлиналарини бекор қилишга қарор қилди. Бундан ташқари, бутиллар, шишалар, банкалар ва бошқа шиша идишлар (бўш), шунингдек алюминийнинг иккиламчи қотишмасига экспорт бож пошлиналари тегишли равишда 20 фоиздан 5 фоизгача ва 40 фоиздан 10 фоизгача камайтирилди.

— 1996 йил 1 июлдан бошлаб қанд-шакар, этил спирти, руда ва металлар концентратлари, заҳарли илонларни экспорт қилишга чеклашлар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1997 йил 1 январдан бошлаб экспорт қилишга бошқа чеклашларни ва экспорт тарифларини бекор қилиш ниятида эканлигини маълум қилади.

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ БИТИМ

ФЛОРЕНЦИЯ, 21 июнь. (ЎзА мухбири Амиркул Карим хабар қилади). Кеча Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Италиянинг Пиза шаҳрига етиб келди. Шу куни Ислом Каримов мамлакатнинг Флоренция шаҳрига ташриф буюрди. Айни кунларда жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори Италиянинг ана шу қадимий шаҳрига қаратилган. Шаҳарнинг «Фортеза да Бассо» қўрғонида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтмоқда. Бугун ана шу олий даражадаги учрашув доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мазкур тарихий битимни имзолаш маросими олдидан Италия Республикаси Президенти Луиджи Скальфаро, Италия Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари В. Велтрони билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон Президенти ўзи учун ажратилган «Ла Масса» қароргоҳида Италиянинг «Эни» миллий нефть ва газ агентлиги президенти Гильерно Мускатони ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фата» компаниялар гуруҳи президенти Ди Розани қабул қилди. Бугун Ўзбекистон раҳбари «Фортеза да Бассо» қўрғонида Европарламент раиси Клаус Ханн билан учрашади. Эртага эса юртбошимизнинг Тоскана вилояти раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари, Италия оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлари, қадимий Флоренциянинг диққатга сазовор жойлари билан танишуви кўзда тутилган.

Президент Ислом Каримовнинг Италияга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ТАҚИҚЛАНГАН ҚУРОЛЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус вакили Бағдодга келди. У БМТ қуролларини назоратдан ўтказиш учун танаффус эълон қилиши керак. БМТ назоратчилари ўт очиш тўхтаган бешта ҳудудда ўз ишларини олиб борадилар. Махсус вакилнинг тахминига кўра, Ироқ халқаро ташкилот тақиқлаган қурол турларидан яширинча фойдаланаётган бўлиши мумкин.

«МОЛ ГЎШТИ» ЖАНГГИ

Европа Иттифоқи билан Англия ўртасида узоқ муддатга чўзилган «мол гўшти жанги»да келишув тамойиллари кузатилмоқда. Британия маъмурияти қорамоллар сонини кескин камайтиришга рози бўлди. Бу қарор «Англия мол гўшти» муаммосини ҳал этишнинг калити деб баҳоланмоқда. Мўлжалга кўра, бу тақиқ босқичма-босқич бекор қилинади.



Ургут манзараси.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

САФАР ВА БАШАР

Рим папаси Иоан Павел II ўзининг биринчи расмий сафарини Бирлашган Германияга ташриф билан бошлади. Руҳонийнинг айнан немислар диёрига сафари сабаби — немис католик черковининг тарихида яҳудийлар қирғинига лоқайд қараганидир. Рим папаси ғайри семитизмни тез-тез танқид қилади ва яҳудийларга «катта оғалар»га кўрсатилаётгандай эҳтиром билдиради.

ТЕЗ ЁРДАМ СЎРАЙДИ

Руанда ҳукумати 1 миллион одам ҳаётига зомин бўлган, қабилавий асосда рўй берган қирғин асоратларини тузатиш учун чет эллардан 800 миллион долларлик ёрдам кутмоқда. Марказий Африка давлатлари ҳукуматлари томонидан бу сўров тинглаб маяпти. Руанда маъмурияти БМТга ёрдам сўраб мурожаат қилишни режалаштирмоқда.

ҲОКИМ ҒАЛЛА ЎРМОҚДА

СУРХОНДАРЁ. Ангор тумани ғаллакорлари давлатга 11 минг тоннадан кўпроқ дон сотиб, режани бажардилар. Бу ерда такрорий экинлар экишга зўр бериляпти. Узун тумани ҳокими Сафар Ҳасанов эса АҚШдан келтирилган «Кейс» комбайнини бошқариб, Б. Омонов номли жамоа хўжалиги даласида 10 гектарли майдоннинг ғалласини ўрди. Вилоятда бу йил 106 минг гектар майдонда ғалла етиштирилган. 500 дан зиёд комбайн ишлатилмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАЙТОВУР ЙЎҚОЛМАБДИ, ТОПИЛДИ

Дунёдаги аломат мавзулардан бири — топилмалар ҳақида. Бунга ажабланмай қўйганмиз: кимдир ниманидир йўқотади, қидиради, топади. Аксинча бўлса, умидини узиб қўя қолади. Расмиятчиликни келиштириб қўйиш учун гоҳо «Топилмалар маҳкамаси»дан ҳужжат ҳам олиб қўйиш керак. Ё ундай ё бундай ҳам бўлмаса-чи? Ўзи бор нарсанинг топилмай қолгани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Топишмоққа ўхшайдия? Афсуски, шунақасиям бўларкан.

— Бўка туманида ҳайдовчилик гувоҳномамни ДАН назоратчиси олиб қўйди, — дея куйинганди бундан бир йилча муқаддам Китоб туманидаги Жовли Турдиев номли жамоа хўжалик аъзоси Ғуломжон Эрназаров. — Тезликни оширгансан, дейди. Энди нима қиламан, Тошкент кошки яқин бўлса...

— Кўп ўйлайверманг, — тасалли бердим унга. — Бўкадагилар Китоб туман автомобиль назоратига ҳужжатни жўнатишади. Тегишли жаримани тўлаб, олаверасиз. Бу сабоқ туфайли қоидани минбаъд бузмайсиз!

— Беш ой ўтди, ҳануз гувоҳнома келмаяпти-ку, — деб қолди яна бир куни у. — Машинани ҳайдолмай қолдим. Талоннинг муддати чекланган. Ёки янги гувоҳнома олишга ариза берсаммикан?

— Қонун бунга йўл қўймайди, — билағонлик қилдим мен. — Ҳужжатни йўқотиб, топилмаганлиги ҳақида расмий далолатнома олсангиз бошқа гап эди. Гувоҳномангизни ДАН ходими олиб қўйган. Албатта, жўнатиши шарт. Сабр қилинг, сабр...

Бахтга қарши сабр косасига ҳам ортиқча тоқат жо бўлмас экан. Ғуломжон «Москвич» машинасини ўн йил бурун мол боқиб, узум етиштириб сотиб олган. Рўзғорнинг оғирини енгил қилиб турган эди. Уни яна бир қанча бор жиғибийрон бўлиб юрган кезларда кўрдим: ҳануз ҳайдовчининг гувоҳномаси келмаган экан. Ва ниҳоят... Тошкент вилояти Бўка тумани ДАН ходими Х. Абдуллаев томонидан тезликни меъёридан оширгани учун эгасидан олиб қўйилган, 039630 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси қарийб бир йилдан кейин Китоб туманидаги эгасининг қўлига келиб тегди...

Луқма

Давлатимизда қонун устувор. ДАН ходими ҳам, транспорт бошқарувчиси ҳам унга амал қилиши керак. Шундай деймиз-у, бу воқеанинг замирида аччиқ хулосалар ётибди. Хўш, нега давлат автомобиль назорати ходими йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчига ўша пайтда тегишли жарима солмади ёки шу тумандаги Халқ банкига жаримани тўлаб, адолат қоғозини олиб келишни топширмади? Шундай йўл тутилса, ҳаракат қоидасини бузган ҳайдовчи гувоҳномасини қайтариб олган бўларди. Майли, гувоҳнома олиб қўйилибди, дейлик. Наҳотки, ҳайдовчига транспорт бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжат қаерлардадир ойлаб, йиллаб ётаверса? Талон билан машинани ҳайдаш муддати чекланганлигини ҳамма биладими-ку?!

Гап бунда эмас. Афтидан, йўл ҳаракати ҳақидаги қоидаларда ДАН ходимларининг масъулияти тўла ўз ифодасини топмаган. Агар транспорт воситаларини бошқарувчиларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари қатъий кафолатланса, турфа оворагарчиликларга чек қўйиларди. Бу ҳақиқат, ҳақиқат эса — зарурат эмасми?

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУВ — ПОКЛИК РАМЗИ

Эгни-бошингиз кир бўлса, дарҳол сувга чайиб тозалайсиз. Ташналикдан сарғая борган гиёҳ ҳам сувга қонгач поклангандай бўлади. Лекин ана шу сувнинг ўзи ифлосланса, кирланса нима қилиш мумкин? Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш республикамизнинг айрим минтақаларида талаб даражасида эмаслиги экологик қийинчиликлар туғдирмоқда. Хўш, бу борада аҳволни ўнглаш учун нималар қилиняпти? Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси А. Ш. ҲАБИБУЛЛАЕВ билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

Яккама - якка

— Асхат Шарипович, бутун инсониятни ташвишга солаётган экология муаммоларини лўнда ифодалаб берсангиз.

— Иқлимнинг ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, ерларнинг чўлга айланиб бориши башариятни ўйлантираётган муаммолардир. Ҳозирги пайтда 1992 йил Рио-де-Жанейрода ўтказилган Умумжаҳон конференцияси имзолаган шартнома амал қилиб турибди. Ер юзининг алоҳида минтақалари, жумладан Марказий Осиёга хос муаммолар ҳам мавжуд. Булардан асосийлари — сув танқислиги ва сувни ифлосланишдан асраш, бор сувнинг сифатини сақлаш кабилардир.

— Сув муаммоси ҳақида сўз кетганда беихтиёр Орол дарди ёдимизга тушади...

— Жудаям тўғри. Кейинги йилларда Орол масаласи бўйича кўплаб баҳс-мунозаралар бўляпти. Шундай бўлиши табиий, албатта. Чунки Оролнинг қуриб бориши билан боғлиқ муаммолар серқирра ва мураккабдир. Умуман инсоният тарихида бунақа мушкул муаммо бўлмаган, шунинг учун масала ечими бўйича тайёр андоза йўқ. Ҳозир масалани ҳал этиш учун аниқ дастур билан ишлашга киришилди. Уни сақлаб қолиш учун сув керак. Эндиликда йилига 30 миллиард куб метр сув буғланиб кетаётганлиги ҳисобга олинган. Оролга тушаётган сув ҳажми эса ўртача 10-15 миллиард куб метрни ташкил этаётир, холос.

— Яқинда Тошкент шаҳрида идишга солинган экологик тоза сув сотилаётганининг гуноҳи бўлдик. Айтишларича, бу сувлар Франциядан келтирилган экан. Европанинг энг гуллаган диёрида сувни идишларда сотса, демак, тараққиёт сари бораётган бизнинг юртимиз ҳам шу йўлдан борадими? Ахир қадриятларимиз тикланаётган экан, сувни тоза сақлаш оддий ҳолга айланиши керак эмасми? Мусулмончиликда сувни булғаш азалдан гуноҳи азим ҳисобланган-ку?!

— Тўғри гап. Қалбида иймони бақувват одам ҳеч қачон сувнинг булғанишига йўл қўймайди. Умуман экология мусаффолигини таъминлашга ҳамма бирдай киришсагина мақсадга эришиш мумкин. «Нега табиат ифлосланиб кетяпти?» деган танбеҳни фақат бир соҳа одамларига айтиш менимча ўринли эмас. Ёш авлодни табиатга муҳаббат руҳида боғчада, мактабда тарбиялаб бориш керак. Бу борада матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам кам эмас.

Идишларга солинган тоза сувларга келсак, бу, истаймизми-йўқми, бугунги куннинг тақозоси. Ҳозирги пайтда Орол бўйи аҳолисини шундай сув билан таъминлаш ҳақида бош қотирилмоқда. Бунинг учун жойларда завод қуриш кўзда тутилмоқда.

Суҳбатимиз якунида шуни айтмоқчи эдимки, халқимиз эзгу қадриятларини тиклаши сувга, умуман табиатга муносабатни фақат яхшилайди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
суҳбатлашди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР БОШИДА

Мамлакатимизда юз бераётган ҳар бир воқеа, иқтисодий ислоҳотдаги ўзгаришлар бевосита партиямиз фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун Қува туман партия кенгаши бошланғич ташкилотлар эришган натижалардан қониқиш ҳосил қилса-да, эътиборни қуйи бўғин ташкилотларини яна кучайтириш пайида бўлмоқда.

Партия сафини соғлом кучлар ҳисобига ўстириш, партиявий, ташкилий ишларни кучайтириш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Ўтган йил бошида сафимизда 2070 нафар аъзо бўлган бўлса, йил якунига қадар бу рақам 2414 нафарга етди. Бошланғич партия ташкилотлари сони ҳам 5 тага кўпайди.

Мустақиллигимизнинг 5 йиллик тўйи, соҳибқирон бобомиз, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи нишонланадиган жорий йилда ҳам дадил одимлар қўйилмоқда. Йил бошидан буён яна 150 нафар янги аъзо сафимизга қўшилди. Шуниси диққатга сазоворки, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва ёшлар ўртасида партиямиз сафига кириш истагини билдираётганлар ортиб боряпти. Қабул қилинаётган янги аъзоларнинг 70 фоизини зиёлилар ташкил қилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёркин далили.

Ватанимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида бугун кўп гапиришимиз мумкин. Лекин ўз навбатида ана шу хайрли ишларга мен бир фуқаро сифатида қандай ҳисса қўшдим? Яна қандай имкониятларимиз бор? деган саволларни бундан буён кўпроқ ўзимизга беришимиз, шунга яраша жавоб топадиган бўлишимиз керак. Зеро, ҳаётдаги лоқайдлик деган зарарли иллат мана шу йўл билан барҳам топади.

Муносиблик масъулияти

Туманимизда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда олиб бораётган ислоҳотларини меҳнаткашлар ўртасида тарғиб қилиш, уларни амалга оширишда партия аъзоларининг, ташаббускорлигини ошириш, Миллий истиқлол мафкурасини чуқурроқ сингдириш борасида аниқ режалар белгилаб олинган. Туман партия кенгаши депутатлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб, уларнинг фаолиятини меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиб келмоқда.

Жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотлар ижросидаги ташаббускорлик фаолиятини оширишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. 15 та жамоа хўжалигида партия ташкилотларининг котиблари бошқарув раисларининг ўринбосарлари ҳамда хусусийлаштириш масалалари бўйича тузилган комиссияларнинг раисларидир. Ёки бўлмаса, қишлоқ хўжалигидаги пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, хуллас, қайси бир тармоқни олиб қараманг, пешқадам бригадаларнинг етакчилари ХДП аъзоларидир.

Президентимиз доимо нутқларида қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини яхшилаш, уларга хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйиш, маиший-маданий муассасалар фаолиятини жонлантириш тўғрисида алоҳида тўхталади. Ана шу фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда ўтган йили Олмазор, Деҳқонобод, Сойкелди ва Қизил Юлдуз қишлоқларида маданий марказлар ташкил қилинди. Ушбу қишлоқ маданият марказлари фаолиятининг намунали йўлга қўйилиши натижасида бу масала бўйича туманда вилоят кўргазмали семинари ҳам ўтказилди. Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллик байрами кунига қадар яна 17 та қишлоқда маданият марказлари ташкил этиш учун ҳаракат қилинмоқда. Бу соҳада туман партия кенгаши туман ҳокимлигининг ҳақиқий таянчига айланган. Чунки жойлардаги қишлоқ маданият марказлари фаолиятини бошланғич партия ташкилотларининг котиблари юритмоқдалар.

Ўтган йили туман партия кенгаши Афғонистонда йигитлик бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган 11 нафар қувалик шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида хотира рисоласини чиқариш ташаббуси билан чиқди. Ташаббусни туман ҳокимлиги ҳам қизғин қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг тумандаги ижодкорларни жамлаб, ушбу хайрли ишга жалб қилдик. Натижада қурбон бўлган ҳамюртларимиз ҳақида батафсил маълумотлар тўпланган «Армонли дунё» деб номланган хотира рисоласи яратилди. Ушбу китоб чоп этилиши муносабати билан тумандаги барча байналмилалчи жангчилар ҳамда Афғонистонда қурбон бўлган жангчи йигитларнинг ота-оналари иштирокида кеча уюштирилди. Маросимда марҳум жангчиларнинг хотиралари ёдга олиниб, уларнинг оилаларига туман кенгашининг совғалари топширилди. Келгусида ҳам шундай хайрли ташаббусларни давом эттириб, қувалик ёш ижодкорларнинг китобини нашр эттириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш учун туман кенгашининг махсус тадбирларини ишлаб чиқканмиз. Бу сонга бағишлаб жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва корхоналар ўртасида ижодкор ёшларнинг кўрик-танлови эълон қилинди. Бугунги кунда ушбу кўрик-танлов қизғин давом этмоқда. Танлов байрам арафасида якунланиб, ғолибларга туман кенгаши мукофотлари берилади.

Қобилжон ЮНУСОВ,
Ўзбекистон ХДП Қува туман кенгашининг биринчи котиби.

ПОКИСТОНДА «АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ»

Хорижий мамлакатлар билан халқаро, маданий-иқтисодий алоқаларимиз кун сайин ривожланиб бормоқда.

Маълумки, бу йил — Амир Темур йили. «Халқаро Амир Темур жамғармаси» эса хайрли ишларни амалга оширмоқда. Дунё миқёсида нуфузи ортиб бораётган жамғарманинг навбатдаги йиғилиши «Халқаро Амир Темур жамғармаси» ва Покистон Ислом Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси ўртасидаги режалар баённомасини имзолашга бағишланди. Баённомага мувофиқ «Халқаро Амир Темур жамғармаси»нинг хорижий мамлакатларда бўлимлари ва ваколатхоналари очиш режалаштирилди.

Баённомани «Халқаро Амир Темур жамғармаси» бошқаруви раиси Б. Аҳмедов ва Покистон Ислом Республикасининг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шавкат Али Шайх имзоладилар. Покистон Ислом Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси режа баённига ва икки томонлама имзоланган ҳужжатга мувофиқ Покистонда Амир Темур ва темурийларга оид қўлёзмаларни излаб топиш, шунингдек, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва темурийларнинг шахсий буюмларини Тошкентда очиладиган Темурийлар давлат музейига топшириш кўзда тутилган. Покистон Ислом Республикасининг Лоҳар шаҳрида «Халқаро Амир Темур жамғармаси»нинг бўлимини очиш тўғрисида меморандум қабул қилинди. Жамғарманинг Лоҳар бўлим раиси этиб Покистон ёзувчиси Тоҳир Аслом Гора тасдиқланди.

Дилфуза НОРМУРОДОВА.

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ёки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидаги бунёдкорлик юмушлари ҳақида

Сукунатни асрлар буйи ўзига ҳамроҳ қилган, нуқул ўркачсимон дунгликлар, кучиб юрувчи қум барханларидан иборат бўлган Қоровулбозор чўлининг ороми бузилганига ҳам анча бўлди: нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошландию, унинг «уйқу»сига путур етди.

— Бу ерга ишга келганимизга уч ойдан ошди, — дейди Тошкентдаги 93-махсус монтаж трестининг Қарши бошқармаси бош муҳандиси муовини Талгат Бекпўлатов. — Чўлнинг асов одатларига қуникиб қолганмиз. 60 кишилик жамоамиз зиммасига 5 минг кубометрли сиғимларни монтаж қилиш юкланган. 2 та ана шундай сиғимни бир ярим ойда — муддатидан илгари қуриб битказдик. Бундан олдин биз Узбекистон — Америка қўшма корхонаси — «Зарафшон — Ньюмонт»ни барпо этишда, Асакадаги «УзДЭУавто» корхонаси қурилишида ҳам махсус монтаж ишларини бажарганмиз.

Мустақиллик иншоотлари қурилишида

— Албатта, фахрланмай буладими, — дея суҳбатга аралашди мазкур трестнинг Самарқанддаги бошқармаси бошлиғи Баҳром Ёқубжонов. — Мамлакат кўз тикиб турган қурилишни тезроқ битказишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Баҳром ака ўзи билан Самарқандан 65 бунёдкорни жасорат майдонига бошлаб келган. Монтажчилар 20 минг кубометр ёнилғи кетадиган резервуарларни чақконлик билан йиғяптилар. Ҳар бирини йиғиш учун 3-4 ой кетади. Аммо вақт қурувчилар ғайрати билан тенг ярмига қисқаряпти. Бундан ташқари, бошқарма бунёдкорлари вагонларни буғ билан ювиш станцияси қурилишида ҳам кенг кўламда фаолият кўрсатяптилар.

Уч юз гектар майдонни эгаллайдиган иншоотда бутун мамлакат вакиллари иштирок этяпти. Қурилиш майдонини айланамиз. Ўтган икки-уч йил ичида қад ростлаган объектларни «Бухоронефтзаводқурилиш» трести бошқарувчиси Анвар Ражабов бирма-бир санаб берди:

— Бултур 25 миллион сўмлик юмуш бажарилди. Ўтган даврда нефть маҳсулотлари қуйиш темир йўл эстакадаси, 5 минг кубометрли иккита металл сиғим, жами 7200 кубометрли 4 та темир-бетон резервуарлар, сув ҳайдаш насос станцияси, 193 километрли қувур йўллари, омборхона ва бошқа кўплаб маданий-маиший объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Эстакада орқали ҳозир бир кеча-кундузда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига 4000 тонна конденсат жўнатиляпти.

Бошқарувчи бизга жорий йилнинг ўтган чорагида трест аҳли қурилишда 5 миллион 984 минг сўмлик ўрнига 7 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарганлигини алоҳида таъкидлади. Биргина ўтган ойда 2 миллион 350 минг сўмлик иш бажарилганлиги иш ҳажмининг ошиб бораётганлигидан далолат. Йилнинг биринчи ярмида 36 та объект фойдаланишга топширилиши кўзда тутилгани ҳам қувончлидир.

Заводнинг технология қисмини қуришни эса Туркиянинг «Гама» фирмаси бошлаб юборди. 30 гектарни эгаллайдиган бу ерда ҳам ишлар қизғин. Монтаж ишлари учун тайёргарлик кўриляпти. Ускуналар эса етарли.

Ўз-ўзидан маълумки, йилига 5 миллион тонна нефтни қайта ишлайдиган корхона ишга тушса, ишчиларга бошпана, барча қулайликларга эга бўлган хизмат кўрсатувчи тармоқлар зарур бўлади. Бу борада ҳам минг-минглаб бунёдкорлар вақт билан ҳисоблашмай ишлаётирлар. Қарийб 6 минг киши жалб этилган қурилишда бунёдкорлар билан бир қаторда Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон жумҳуриятидан келган фидойилар 10 минг кишига мўлжалланган нефтчилар шаҳарчасини бунёд этишмоқда. Икки ва бир қаватли, ҳамма қулайликка эга бўлган, миллий меъморчиликка таяниб қурилаётган уйларнинг кўпчилиги битай деб қолди. Завод ишга тушгач, бу уйларда 2-2,5 минг оила яшайди.

Ҳа, биргина уйлар эмас, балки поликлиника, ошхона, чойхона, болалар боғчаси, мактаб, клуб, маиший хизмат уйи, маданият масканлари — ҳамма-ҳаммаси ишчиларга хизмат қилади.

Шаҳарчага оқар сув олиб келингани қўкаламзорлаштиришга кенг имкон яратди. Барча йўллар туташадиган бу йирик иншоот атрофида терак, гужум, мевали дарахтлар қўкка бўй чўзяпти, яшил майдонларда боғлар кўзга ташланяпти. Ҳа, инсон пойқадамида гул унянти, чўл эса чекиняпти.

— Яқинда 6 та 20 минг тонналик сиғимни фойдаланишга топширамиз, — дейди биз билан хайрлашаркан Анвар Рузиевич. — Бу ҳаракатимизнинг барчаси улкан ёнилғи-энергетика мажмуини тезроқ ишга туширишимиз имконини бериши шубҳасиздир. Маҳсулот сифати жиҳатидан жаҳонда энг юқори турадиган корхона Ватанимиз равнақига-равнақ қўшиши, ёнилғи мустақиллигини таъминлашдан ташқари, хорижга ҳам маҳсулот жўнатиб олиши билан муҳим аҳамият касб этади. У кунлар эса жуда яқин!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ тизимида нима гап?

ЖИЛОВИ БИРОВНИНГ ҚЎЛИДА

Тошкент шаҳридаги «Оқтош-М» фирмасининг иш бошқарувчиси Абдулҳамид Ниёзов миллионлар ҳаёлида Туркманистон Республикаси фуқаролари Суннат Бобоев, Қўзибой Қаландаров, Карим Сафаров бошқарувидаги «54-97 ЧРЛ» «А 2355 ЛБ», «67-57 ЧРГ» давлат рақамли юк автомашиналарини ёллаб, уларга Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган нақд 16 тонна қуруқ сут маҳсулотини ортиб, Баҳористон туманидаги айланма йўллар орқали манзил томон чиқди. «Тиригида тинмагур» вилоят божхона ходимлари сира кутилмаган, одам юрмас ерларда уларнинг йўлини тўсишди. Суриштирув жараёнида бу маҳсулотлар шахсий пулга сотиб олинганлиги маълум бўлди (яна ким билади дейсиз!). Қўлга киритилажак катта бойлик иштиёқи кўзларини кўр қилиб қўйган «ишбилармон» шаҳарни бедарвоза деб ўйлаган-у, тегишли ҳужжат лозимлигини эса хаёлига ҳам келтирмаган.

Бунинг устига Қашқадарё вилоят санитария-эпидемиология станциясининг лабораторияси бу маҳсулотларни давлат стандартига жавоб бермаслиги ва истеъмолга яроқсизлигини аниқлади.

Бир миллион 552 минг сўмлик қуруқ сут мусодара қилиниб, қонунбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

АНТИҚА УСУЛ

Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли жамоа хўжалиги раҳбарлари вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассисларини анча нохуш, аниқроғи ранжиб кутиб олишди. «Ноинсофлар» бошқа хатолар етмагандек, аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган 142 минг сўмни «Нега банк муассасаларига топширилмасдан ноқонуний сарфланди?» дея оёқ тираб олишса бўладими?! Ўзларини «устаси фаранг» деб ўйлаган ҳисобчилар бу «бало» дан қутилиш учун антиқа усулни қидириб топдилар. Дарҳол «Пахтабанк» раҳбарлари билан келишиб, уларни ҳам жиноятга етаклаб 145 минг сўм ёздириб олдилар ва шу заҳотиёқ унинг 140 минггини илгари қонунсиз сарфланган маблағни қоплаш мақсадида банкка қайтариб топширдилар. Ҳамиша шоҳида эмас, баргида юрадиган солиқчилар бундан ҳам хабар топишди. Раҳбарлар қилмишларига яраша жазоларини олдилар, албатта.

Нақд пул тушумини қонунсиз сарфлаган «биз ҳам шундай йўл тутамиз» деб туришган туман пиллачилик ширкати ва очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари бу «антиқа усул»нинг чуви чиққанини эшитиб, ундан воз кечишди.

ЭСКИРГАН ТАОМНИ СОТИБ БЎЛУРМИ?!

Вилоят солиқчилари Қарши шаҳри бозорларини кезиб, кутилмаган воқеага — давлат, хусусий, кучма ва кичик корхоналарда тайёрланган, хорижий мамлакатлардан келтирилган, истеъмол муддати аллақачон ўтиб кетган озиқ-овқатлар бемалол пулланаётганлигига дуч келишди. Амир Темур, «Гулшан», «Арко» фирмаларида, Темир йўл очиқ ҳиссадорлик жамиятининг 19-дўконида чет эллардан келтирилган 500 кг дан ортиқ «Марина» маргарини, «Мироқи» фирмасига қарашли дўкондаги 27030 сўмлик уч турдаги озиқ-овқат маҳсулоти, «Факел» дўкони, «Юлдуз» хусусий корхонасидаги тонна-тонналаб эски сариёғ, вафли, печанье, спиртли ҳамда салқин ичимликлар сотувдан олиниб, айбдорларга нисбатан турли жазо чоралари қўлланилди.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Газетхон таклиф этади

АЖАБЛАНМАНГ...

Ҳар йили баҳор фаслида шаҳарлар, туманлар, маҳаллалар ва бошқа жамоалар ўртасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тозалик бўйича кўрик-танлов ўтказиш одат тусига кириб қолган. Бу «одат» шу даражага бориб етганки, рости, эндиликда биров унга астойдил эътибор ҳам бермайди. У ёки бу жамоа ҳокимликларнинг қарорлари чиққанидан сўнг номигагина, наридан-бери хўжакўрсинга баъзи тадбирларни ўтказиб қўядилар. Хулосага, яъни «ғолиблик» пул-мукофотларини олишга келганда яна кўп ҳолларда танишбилишчилик, у ёки бу раҳбарнинг қилган, бажарган ишлари эмас, балки унинг ўз обрўйи, салмоғи иш беради. Рости, бу нарсалардан зерикдик. Чунки шаҳар ва қишлоқларга бир назар ташланг, нақадар кўнгилсиз манзараларни кўрасиз. Ҳаммаёқ ифлос, ахлат, хўжасизлик, бепарволик, лоқайдлик. Назаримда, коммунал хўжаликлар раҳбарларию ходимлари бир-иккита ҳокимликлар ёки нуфузли идоралар жойлашган кўчалардан бошқа жойларни кўрмайдилар ва кўришни хоҳламасалар ҳам керак.

Шуларни эътиборга олиб, менинг фикримча, эндиликда энг қаровсиз, энг ифлос шаҳар ва қишлоқлар, энг ёмон кўчалар кўригини ўтказиш ва натижаларини кенг жамоатчиликка хабар қилиш керак. Зора, энг ифлос шаҳар, қўрғон ёки кўча бошлиғи бўлиш баъзиларда орият туйғуларини уйғотса. Ахир қачонгача қаровсиз кўчалардаю ифлос, ахлатларга кўмилган гўшаларда яшаймиз...

Убайдулло АВВАЛБОЕВ,
шифокор. Гулистон шаҳри.

Майдонга тушган манглай қашимас.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ЙИГИТЛАРИМИЗ ШАШТИ БАЛАНД

Бу учрашувни мухлислар орзиқиб кутишганди. Осиё кубоги учун курашнинг 8-саралаш гуруҳида куч синашган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг аҳволи жуда ҳам яхшимасди. Боиси, улар Тожикистонда 4:0 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишгани барчага аён. Ҳамма гап такрорий ўйинда ҳисоб-китобни ўрнига қўйиб, курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишда эди.

Армиячилар ўйингоҳида ўтказилган бу учрашув футбол байрамига айланди. Анъанага кўра ўйин олдидан таниқли хонанда ва қизиқчиларнинг чиқишлари ишқибозларни мамнун этди. Майдонга бош жамоамиз аъзолари кириб келганда олқишлар янгради. Чунки, жамоада севимли бўлиб қолган Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Степан Атоян каби йигитлар бор эди. Меҳмонлар ҳам ўзларининг хориждаги турли жамоаларда ўйнаб турган йигитлари билан ташриф буюришди.

Майдон эгалари ҳужумкорликка зўр беришди. Меҳмонлар мудофаа билан ҳужумни уйғунлаштириб турдилар. Улар қандай бўлмасин дарвозани камида яна бир марта ишгол қилиш билан ғалабани мустаҳкамлашга интилардилар. Майдон эгалари эса мақсадга эришиш учун дарвозани беш марта нишонга олиш лозим эканлигини кўнгилларига туйишган. Ўзўзидан маълумки, ўйинчилар бундай пайтда билиб-билмай хатоликка йўл қўядилар. Еттинчи минутда ҳакам 11 метрли тўп уриш лозимлигини таъкидлади. Миржалол Қосимов ҳисобни очди. Орадан беш минут ўтиб Сергей Андреев ҳисобни яна биттага оширди. Танаффусгача қолган ҳаракатлар самара бермади.

Учрашувни иккинчи қисми, 57-минутида эса Миржалол яна 11 метрли тўпни аниқ нишонга олди. 71-минутга борганда Игорь Шквирин ўзини кўрсатди. Хуллас, асосий вақтда умумий ҳисоб 4:4 га айланди. Қўшимча вақт белгиланди. Энди қайси томон биринчи бўлиб тўп урса, улоқни олиб кетарди. Ўйин узоққа чўзилмади. Иқтидорли ўйинчимиз Зафар Мусабоев маҳорат кўрсатиб, жамоамизга ғалаба келтирди. Шундай қилиб, Баҳодир Иброҳимовнинг шогирдлари шу йил охирида Бирлашган Араб Амирлигида бўладиган финал ўйинларига йўлланма олдилар. Йигитларимизга ғолиблик учун курашда омад ёр бўлсин, деймиз.

Футбол

МАНЗИЛГА КИМ ЕТАРКИН?

Чемпионлик учун кураш бошланганига қарийб икки ҳафта бўлди. Бу даврда тўрт гуруҳга бўлинган 16 та жамоа ўртасида саралаш учрашувлари ўтказилди. Бугун дастлабки чорак финал учрашувлари бўлади.

Таъбир жоиз бўлса, 16 вагонли эшелонни чемпионат поезди аёвсиз тортиб бормоқда. Бу вагонларнинг қандай созлангани, йўл «азоби»га қандай дош беришлигини фақат вақт кўрсатади. Шундай ҳам бўляпти. 16 вагон, яъни шунча жамоанинг тенг ярми поезддан қолиб кетди. Қолган саккизтаси манзил сари илдамламоқда. Катта футболда катта гаплар бўлади, деганларидек, олдиндан айтилган тахминлар ҳам пучга чиқди. Хусусан, Болгария футболчилари устозининг: биз албатта финалга чиқамиз, деган сўзлари ҳам ҳавога учди.

Ёки Россия футболчиларининг кетма-кет мағлубиятлардан кейин, қаҳва қуйқаси устида очган фоллари ҳам иш бермади. Эмишки, Германия — Италияни енгса, Россия — Чехиядан устун келса, учта жамоада учтадан очко тўпланиб, тўплар нисбати ва бошқа омиллар бўйича рус футболчилари чорак финалга чиқаркан. Наҳотки, Италия ва Чехия футболчилари: «Ҳа, майли шундай бўлақолсин», деб қўяқолишса. Ҳаммаси майдонда ҳал бўлади, деганлари рост. Италия — Германия ўйинида ҳисоб очилмади. Россия — Чехия учрашувининг сўнгги дақиқаларида ҳисоб 3:3 бўлди. Шундай қилиб, Германия ва Чехия жамоалари чорак финалга йўлланма олишди.

Футболга оид яна бир гап. Инглиз аёллари фаросатли экан. Улар Англияда футбол бошланиши арафасида меҳнат таътилига чиқиб, олис оромгоҳларга жўнаб қолишди. Бу билан ашаддий ишқибоз бўлган эрларига ҳам, ўзларига ҳам шароит яратдилар. Англия футболчилари эса мухлисларини фақат қувонтирмоқда. Тахминларга қараганда, майдон эгаларини манзилгача етиб бориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чемпионлик учун эса курашни шунингдек, Франция, Хорватия, Германия, Голландия, Испания, Португалия ва Чехия жамоалари давом эттирмоқдалар. Бугун Англия-Испания, Франция-Голландия футболчилари ўртасида чорак финал ўйинлари бўлади. Эртага Германия — Хорватия, Португалия — Чехия жамоалари майдонга тушадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

PRESIDENT ISLAM KARIMOV VISITS CONSTRUCTION SITE

President Islam Karimov visited the construction site of the State Museum for Temurid History in Tashkent. The museum will open on Independence Day. The site occupies sixty cubic meters and the area of the exhibition halls is 2,200 square meters. President Karimov held a meeting with major architects and made remarks at this site.

YOUNG SCHOLARS COMMITTED TO SAVE ARAL SEA

The Presidium of the Academy of Sciences of Uzbekistan has held an extended meeting dedicated to the problems of the Aral Sea. According to one of the members of the Academy, a group of young scholars worked out a project for maintaining the water level in the western part of the sea, desalinating water and preventing the destruction of rare types of fish. Dust and salt generated from the evaporation in the sea destroy animals and plants of this region.

NEW CENTER FOR AIR TRAFFIC CONTROL IN TASHKENT

A new center for air traffic control has been opened in Tashkent by the French "Thomson" company at the request of the Uzbekistan National Airways Company.

UZBEKISTAN ON THE PATH OF REFORMS

1

This article is based on the documents submitted by the Government of Uzbekistan at the annual meeting in Sofia, Bulgaria, held by the European Bank for Reconstruction and Development in April 1996, and an article from the April issue of the magazine "Business Central Europe".

Despite the slow pace of the reforms, the most densely populated state in Central Asia inspires hopes of an economic growth.

People living in the other Central Asian states consider Uzbeks the most enterprising nation in the region. They have enjoyed this repute since ancient times, when they were constituting the bulk of the area's merchants and crop farmers. Characteristically, Samarkand and Bukhara, the most ancient trading centres on the Silk Road, are situated in Uzbekistan.

Since Uzbekistan proclaimed itself independent in 1991 it has been slowly opening to the possibilities of a maket-oriented economy. Tashkent, the capital of Uzbekistan and the area's major city with a population of over 2 million, ceded its priroity to Almaty, the capital of neighbouring Kazakhstan.

But following a slow start, reforms began to increase their pace arousing a growing interest in the Republic. With its population of 22 million, 70 % of which are young people. Uzbekistan has the best chance of attracting longterm investments. There is an emerging class of well-to-do people with a substantial income, although it is very small in number yet, and there is still a very high demand for consumer goods to be met.

2

Like most presidents in other Central Asian states, Islam Karimov's presidency has been extended until the year 2000. This made it possible for the Government to concentrate on maintaining stability, gradually introducing the economic reforms and cautiously encouraging foreign investments.

Uzbekistan favoured an independent course in its relations with Russia establishing trade links with Asian, European and American countries. This year the country plans to become self-sufficient in oil. The fact that Uzbekistan plans to join the customs union between Russia, Byelarus and Kazakhstan is a pragmatic step towards restoring economic links with its former partners within the USSR and not an attempt to return into the lap of Mother Russia .

Throughout 1995 the Republic was accelerating its movement towards a market-oriented economy which began in 1992. Some partial and gradual reforms were implemented in 1992-1993, and some further changes took place in 1994. A broad programme of reforms was approved for 1995 and the subsequent years which was strongly supported by international financial organizations.

Starting with 1995 the programme has been implemented in Uzbekistan with the asistance of the international Monetary Fund and the World Bank. This fact signalled a turning point in the Republic's economic development and encouraged foreign investments. The Government's commitment to sound policies in macroeconomic reforms shows its readiness to face any discouraging trials.

3

A considerable success has been scored in its movement towards a market economy over the past two years. The President's January 1994 Decree proved decisive in accelerating the structural reform.

The decline in the country's GDP remains moderate, and the social and political situation in the country is stable. The non-state sector accounts for 44% of the total industrial output, and for 97% of agricultural output.

With a 2,6% drop in its GDP in 1994 the Republic has fared better than most of the CIS countries. In 1992-1994 its GDP dropped only 16% while the average for the CIS was 40%. A strong agricultural production, expansion of trade and an increase in the oil and gas output helped mitigate the negative effects of the rupture of trade links with its traditional partners in the former USSR.

The outlook for 1997 is optimistic, and a turn towards an actual increase in the GDP is possible thanks to a growth of the private sector, reforms in power engineering and agriculture, and an improvement of the trade climate. However, unemployment may grow due to rationalization of some industrial sectors and companies.

Inflation rate steadily falling. While in the middle of 1995 it constituted 4-5% a month, at the end of the year it dropped to 2%.

The Government has adopted a policy of open doors in respest to foreign investors, and now almost every sector has possibilities for attracting them.

An important event in this context was the adoption of the Law on Foreign Investments in May 1995 which outlined the types and forms of investing. The Law allows an unlimited repatriation of profits, exempts joint ventures established in top-priority economic sectors of taxation for a period of 5 years, and provides for a number of other financial concessions such as cancellation of the customs tax on the import of raw materials and capital assets.

Investors are now protected against political risks, nationalisation and requisition of property. They have the right to purchase housing and rent land plots with the aim of investing or setting up joint ventures. Foreign investors are insured for a period of 10 years against any alterations in the investment legislation if they contradict the original contract provisions.

Major reforms are expected in the financial and business sectors where new laws regarding bankruptcy, norms and practices with securities, and audi-ting are being prepared. New, more stringent rules will be introduced to improve supervision in the banking and financial sectors.

The end of 1992 witnessed the beginning of smallscale privatisation in conformity with the Law on Denationalisation and Privatisation and the Law on Leasing dated November 1991. Privatisation of retail trade, consumer services, catering and local industry is dveloping at a steady pace. Privatiation of housing has been completed. At the beginning of 1995 many restrictions imposed on ptivatised enterprises earlier were lifted.

The President's January and July 1995 decrees simplified the registration procedure and eased the tax burden. Half of the proceeds from privatisation are channelled through the Business Fund of the Republic of Uzbekistan to support small enterprises.

(BCC News, May 1996)

DISGOVER SILK ROAD

Tashkent, Samarkand, Bukhara, Khiva, Ferghana, Termez...

YESTERDAY these ancient cities, carrying through centuries the culture of the Orient, played host to those travelling along the Great Silk Road. TODAY UZINTOUR will be your guide to the sources of the Asian civilization. TOMORROW you^ll live on memories of this trip.

UZINTOUR

We offer you our services:
*inbound *outbound *business-tours*
*congress-tours *visa *ticketing *rent a car*

For more information:
115, Buyuk Ipak Yuli st., Tashkent.
Tel.: (3712) 686731, 686827, 686828.
fax: (3712) 674563.
Telex: 116235 TUPNE RU.

UZINTOUR

UZINTOUR - член PATA и ASTA

Не за горами лето, вам надо отдохнуть! Где? На одном из самых популярных и недорогих курортов мира - Солнечном берегу Болгарии. Морские купания, великолепные пляжи, спортивные корты, прогулки на катамаранах и водных лыжах, большой выбор развлечений - все располагает к отдыху. Хотите отпуск провести с детьми? Берите их с собой! Они могут жить со взрослыми в отеле или в международном детском лагере, расположенном рядом.

Чартерные рейсы из Ташкента — с 1 июня. Две недели на Солнечном берегу Болгарии - незабываемое удовольствие.

Юбилейные, 100 Олимпийские игры пройдут с 19 июля по 4 августа в американском городе Атланте. В них примут участие и спортсмены Узбекистана. Поболеем за них! АО "Узинтур" вместе с Национальным Олимпийским Комитетом республики, американским консорциумом "Нью Консепт трэвел" взялись организовать поездку узбекистанских болельщиков в Атланту.

Такое бывает только один раз за всю жизнь!

Только мы поможем вам попасть на Олимпийские игры! Генеральный дистрибьютор путевок, а их всего 132 - АО "Узинтур" (во всех туристических фирмах туры по единой цене).

Спешите! Количество мест ограничено!

АО "Узинтур" - ваш деловой партнер в системе индустрии отдыха! Широкий выбор туров: познавательные, учебные, спортивные, лечебные, коммерческие, развлекательные. Путешествия на все вкусы - Англия, Болгария, Германия, Греция, Израиль, Малайзия, Мальдивские острова, США, Таиланд, Турция. Существует формула: клиент - турфирма. Мы работаем по принципу: турфирма - клиент!

Наш адрес:
г. Ташкент,
ул. Буюк ипак йули, 115.
Тел.:
68-68-26,
68-68-20,
68-67-42.

Restaraunt
NEW WORLD

The New World Buffet offers over 80 delicious dishes

Taste to Enjoy!!!

At the Navoi Theatre Ballet, opera and the New World Buffet all to enjoy.

Time table
Lunch — 12:00 -15:00
Dinner — 18:00 - 22:00

We shall organize a quality furshet-party in any time, any place

Phone for order
3712 - 331599, 3712-333322
Fax 3712-333322

Theatre Navoi, 2nd floor

MEC
MALAYSIA ELECTRIC CORPORATION

Uzbek-Malaysian Joint Venture "Hotel Uzbekistan"

г. Ташкент, ул Хамзы, 45

тел: (3712) 36-79-79, 36-74-55.

AN INSERT TO OUR "UZBEKISTON OVOZI" (The Voice of Uzbekistan) NEWSPAPER IS ALWAYS AT YOUR SERVICE.

One of the leading newspapers in Uzbekistan, "Uzbekiston ovozi", has an increasing number of readers across the country. Foreign companies and organizations are showing great interest in advertising in our newspaper. That's the reason why the editorial office is working hard to prepare ads in Uzbek, Russian, English and other foreign languages.

You are always welcome should you have any questions concerning ad placement.

Our address:
Matbuotchilar str. 32, Suite 343-344, Tashkent
Phone: 33-38-55
Fax: 33-79-17

The "Uzbekiston ovozi-times" is ready to work with you!

В Посольстве Республики Индонезия в Узбекистане

имеются вакансии на должность секретаря приемной и водителей. Кандидаты на должность секретаря приемной должны иметь университетское образование, опыт работы в качестве секретаря, навык работы на оргтехнике, свободно владеть узбекским, русским и английским языками.

Кандидаты на должность водителей должны иметь минимум 7-летний стаж работы, отметки ГАИ на водительском удостоверении: В,С,Д.

Желающим следует сдать автобиографию, копию трудовой книжки, паспорт, 2 фото с заявлением в Посольство Индонезии по адресу:
г.Ташкент,ул.Муртазаева, 6, до 10 июля 1996 года.

UZBEK LEGISLATION FROM "AVIABROK-CONSAUD"

Any time you need comprehensive and up-to-date information on Uzbek legislation, welcome to

"PRAVO" INFORMATION LAW SYSTEM

ECONOMIC LEGISLATION
INTERNATIONAL LAW
CRIMINAL LAW
CIVIL LAW

"PRAVO" INFORMATION LAW SYSTEM allows you quickly find any information using:

- document type;
- name of legal persons;
- document date;
- document number.

PRAVO
INFORMATION LAW SYSTEM

Please, contact us:
Aviabrok - Consaud Co. Ltd.
73 B, Nukus str., Tashkent, Republic of Uzbekistan.
Phones: (3712) 548847, 549565. Fax: (3712) 547718.
e-mail: pravo@abc.tashkent.su

ПАРТНЕРЫ НАХОДЯТ ДРУГ ДРУГА

Акционерное общество Узбекская транспортно-страховая брокерская фирма
«КАЛКОН-АЗ»

ПРЕДЛАГАЕТ И СТРАХУЕТ

VAN VLIET TRUCKS HOLLAND B.V.

Тел. (3712)54-55-61, факс:(3712)54-96-12 Адрес: 700015, Ташкент, ул.Айбека, 47.

ОРГАНИЗУЕМ ПОСТАВКИ большегрузных, легковых, специальных автомобилей, автобусов и микроавтобусов различных модификаций, а также других транспортных средств, включая и сельскохозяйственной техники и дорожно-строительных машин самых известных в мире фирм: DAF, IVECO, MAN, MERCEDES-BENZ, SCANIA и др. Все автомобили и перечисленная техника реставрированы голландской фирмой Van Vliet TRUCKS Holland B.V. Цены - в 4-5 раз ниже, чем у производителей. Всего лишь за $ 60 000 вы становитесь обладателем мощного VOLVO. Ко всей технике «КАЛКОН-АЗ» поставит любые комплектующие и запасные части.

Editor-in-chief
Azim SUYUN,

Head of Editorial Board
Alisher RUZIEV,

Managing editor
Narzulla SHANIYAZOV,

Editorial Board:
Shuhrat JABBAROV,
Alimkul SILTONOV,

Desigh and computer layout
Gulshan ASADOVA.

UZBEKISTON OVOZI TIMES

№ 4 • June 22, 1996 • Saturday

UZBEK-ITALIAN TRADE RELATIONS

President Karimov will visit Italy June 20-23. Commodity turnover between Uzbekistan and Italy in 1994 was 200.4 billion lire and twice that mush in 1995. The volume of imports from Italy last year was 49.5 billion lire. Uzbekistan exports precious metals (64.1%), cotton (19.7%) and silk (3.5%) and imports equipment (59.7%), optical devices (13.5%), chemical products (5.3%) and medical and pharmaceutical products (4.7%). There are twenty-nine Uzbek-Italian joint ventures in Uzbekistan. At present Italy has the chair in the European Union. During the visit,President Karimov will s ign an Agreement on Partnershinp and Cooperation between Uzbekistan and the European Union in Florence in the framework of the scheduled summit of EU member-states.

PRESIDENT ISLAM KARIMOV'S UPCOMING VISIT TO THE UNITED STATES

President Islam Karimov will visit the United States of America June 23-29. He will meet with a number of Government officials to further promote Uzbek-U.S. relations in political, financial, economic and trade areas. President Karimov will visit several states and will take part in conferences dedicated to business-making opportunities in Uzbekistan.

LESS SULFUR BY MITSUI

The Japanese "Mitsui Company Ltd." will re-equip the Ferghana oil refinery. Forty percent of the refinery`s output is diesel fuel. High quality diesel must have no more than 0,1 percent sulfur. However, oil extracted from the Mingbuloq and Kokdumalak fields has a high percentage of sulfur. New technology offered by the Japanese company will allow a decrease to 0,5 percent. 200 million dollars needed for this project will be given by the Japanese "Export-Import" bank and the EBRD.

EU LEADERS SEEK PEACE ON BEEF, FOCUS ON JOBS, EURO

Florence, Italy, June 20 (Reuter) – Following is the timetable for the opening day on Friday of the two-day European Union summit.

* * *

Florence, Italy (Reuter) *- European Union leaders, anxious to and their bitter "beef war" with Britain, began arriving Thursday for a summit focused on Europe's dominant issues - unemployment, the single currency and the future.*

Italy's new prime minister and summit host, Romano Prodi, said he was confident the summit could an angry rupture with London ever the bloc's worldwide ban on British beef exports.

"I'm very confident that the worst is over and we can start again with a policy of cooperation," Prodi told reporters, alluding to Britain's non-cooperation with its partners.

Chances of smoothing, over the dispute and ending London's campaign of disrupting EU business increased sharply when EU veterinary officials agreed late Wednesday to a British plan for eradicating mad cow disease.

The European Commission will also propose to the summit a plan for the gradual lifting of the EU's ban on British beef exportts, imposed because of fears that bovine spongitorm encephalopathy (BSE) could be transmitted to humans.

British prime Minister John Major, under intense pressure from anti -EU politicians at home, has demanded a plan - a fromework - as the prise for an end to his disruption campaign that has so far blocked more than 70 EU meassures.

Major told Britain's parliament that a deal was not yet sewn up, but that if agreement was reached at the summit, he expected to see the begining of the lifting of the ban in the fall.

Germany and some other member have continued to express strong reservations about any move to lift the ban that implied a lowering of commitment to public health.

Some countries are also furious at Britain`s blocking-campaign which they see as blackmail.

Swedish Prime Minister Goran Perrson, for example, warned Britain that it may end up payind dearly for its actions. "I think (Britain) will pay a very high price for this," he said. "Thinqs like this will be remembered"

The summit was not expected to agree on any detailed plan for lifting the beef ban, but to find some political statement that could assure Europe`s consumers that their concerns were uppermost while also meeting Major`s demands.

Agreement on the beef issue at the summit, which opens Friday at a medieval fortress guarded by 4,000 police, would clear the decks for discussion of an agenda topped by the problem of mounting joblessness in the 15-nation bloc.

Prodi told other leaders in a letter that Europe`s citizens were looking to them to send a strong message that they will tackle an unemployment level that now tops 18 million.

We must rememder that Europe is not something removed from the man in the street and everyday concerns. We have got to show that common responses can be found to these worries,"he said. "

The European Commission wants the leaders to agree a Confidence Pact" on jobs. It calls for a speedy completion of the single market and the adoption of part -time working rules as a strategy for boosting jobs.

With the single currency-the Euro-just 2 1/2 years away, the leaders will also be asked to endorese a progress report on introducing the currency, and a plan for fiscal discipline among economies using the Euro.

Countries outside the Euro bloc would be linked to it, under the proposal, by a new exchange rate mechanism.

Switching from the EU's economic future, the leaders are also expected to focus on the way forward politically.

Italy, Germany and France want the summit to give a boost to the inter- governmental conference (IGC) review of the EU treaties, launched to prepare the bloc for the 21 st century.

EU officials, concerned that IGC talks have become bogged down in statements of national positions,expect the summit to tell negotiators to focus on the bloc's foreign and justice policies.

The issue of whether some countries can integrate policies leaving reluctant partners behind likely will also be dicussed.

The leaders may also call for an initial draft treaty to be ready by the Dublin EU summit in December and will perhaps call for a special summit later in the year dedicated solely to the IGC.

* * *

1145 CMT. Working lunch with Haensch, Chilean President Eduardo Frei, Uzbek President Islam Karimov and EU leaders.

PRESIDENT KARIMOV RECEIVES BELGIAN GOVERNMENT DELEGATION

President Islam Karimov received a Belgian government delegation headed by an official goverment representative Senator Robert Urben June 14. Islam Karimov appreciated Belgium's "Yes" vote on cooperation between the European Community and Uzbekistan. Both sides discussed possibilities for mutual cooperation. Senator Urben also visited the Oliy Majlis and met with Chairman Erkin Khalilov.

"CASES" IN OPERATION

Three American 'Case-2166' combines are being operated in a Syrdarya field. They are more efficient than Russian combines. Unlike Russian models, 'Case' combines have less harvest losses during operation.

PRESIDENT ISLAM KARIMOV MEETS WITH AUSTRALIAN WESTERN MINING CORPORATION

President Islam Karimov met in the Presidential Palace with a delegation of the Australian "Western Mining Corporation" headed by its Managing Director, Hugh Morgan. Both discussed the creation of a joint venture for the exploitation of mineral deposits in Uzbekistan.

JUBILEE OF TASHKENT METRO

1997 is the jubilee year for the Tashkent metro. It was twenty-five years ago when the construction of the first Central Asian metro began. Twenty-years ago the first train carried people from Chilanzar district to the center of Tashkent. Today twenty-three metro stations serve 300,000 people daily.



EIGHT MORE PROJECTS BY EBRD

Jacques de Larosiere, President of the European Bank for Reconstruction and Development, has finished his visit to Uzbekistan. The EBRD will offer Uzbekistan more projects in addition to the ten existing ones, valued at one billion U.S. dollars to invest in small and medium sized businesses,the reconstruction of the Ferghana oil refinery, the rehabilitation of an electric power station in Syr-darya Province, the wool processing joint venture, "Kasansay-Tekmen" and the creation of a wholesale market in Tashkent.

RAIL CAR PLANT TO BE BUILT IN TASHKENT

On the same day, President Karimov met with the Vice-President of the Japanese Foreign Economic Cooperation Fund, M.Kubota.The Fund's importance to Uzbekistan is in supporting long-term projects of Japan in Uzbekistan. Mr. Kubota was also met by Prime Minister Utkir Sultonov. Both sides have reached an agreement on the construction of a rail car factory in Tashkent.The Japanese side has allocated over six billion yen for this purpose.

UZBEKISTAN -USA

FROM PARTNERSHIP TO PROFIT

The USA was one of the first who acknowledged officially the independence of a new soureign Uzbekistan and was ready to help in its development.

Nowadays the government and the people of Uzbekistan are streving to find their own place on the world scale and make radical economical changes, carrying out cooperation with foreign partners. The cooperation between Uzbekistan and the USA an important step in this respect

How Uzbekistan is attracting foreign companies? First of all it is necessary state that the government of Republic with the head of its first President Islom Karimov is holding peaceloving home and foreign policy. The good location of this region and the industrious people of Uzbekistan on the principles of market economy and the rich mine-ral resources of the Republic attracting and the-refore afford cooporation.

Secondly profitable conditions created for foreign investors and their defence by laws from our side also give foundation for this.It is worth while stating in this respect that American businessmen are unterested in this too. At present the members of american companies successfully carry out their activity together with Uzbek firms. For example the prominent "Coca-cola", another joint company "Zarafshan-Newmont" extracts golg in the so-called Muruntov place. Mineral resources are winded at Kizil-Kum deserts. The income is devided egually. This joint venture operates only for a year. The volume of a work has increased in power capacity in 90 percent. Strictly saying for the period of a year almost 14million tones of mountaineous elements are worked again and new gold of a world standard is obtaining. The annual volume of work proves that the expendiature spent on it will cover fully within 2 or 3 years.

John Brown, the director general of Zarafshan Newmont Gold says: "We havent brought Newmont Gold in vain. A peaceloving foreign and home policy of the President Karimov and profitable conditions got interested us. With this aim works are carried out in full and widening". John Browns deputy chief Anatoly Varfolomeev from our side stressed that the production of the joint company is sold in the stock markets in London.

By Asliddin BOLIEV, Narzulla SHANIYAZOV.

The Uzbek-American company "Coca-Cola" is working successfully too. Every person of Uzbekistan can drink and enjoy the famous Coca- Cola. Yes, a new gene-ration also chooses Coca- Cola. This company goes on with its activity and enlarges the volume of production. At the end of the last month a new plant began its work on the Kibrai-plant.For this purpose the joint company baught premisses from the Kibrai plant. The new plant will afford to produce Coca -Cola twice more and enlarges up to 40 million dec. liters a year.

By Alisher RUZIEV.

Мамлакат — ғалла мустақиллиги йўлида

НОН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Нон сўзининг ўзиёқ ҳар қандай тасвир ёки тавсифдан устун. Абдураҳмон Маллаев далага бошлаб келганда шу ўй дилимиздан кечди. Ғаллазорни тўлдирган сапсариқ бошоқлар қуёшнинг ҳовучдан тошиб кетаётган нурларига монанд тўлғин-тўлғин чайқалади. Сал тепарақдаги адирда комбайн гуриллайди. Адир қаватидаги ғаллазорнинг нақ этагидаги ариқчадан сув чулдираб янги экинзорга оқмоқда...

— Ҳорманглар, — дейди Абдураҳмон, бригада бошлиғи Убайдулло Асқаров ва сувчи Саидхон Назимов билан сўрашиб, кейин менга юзланди: — Атай шу далага бошлаб келдим. Ҳосилдорлиги 50 центнердан кам бўлмайди. Қаватидаги 4 гектар майдонга ўтган йили сентябрь ойида жавдар эккан эдик, 42 центнердан дон йиғиб олдик. Ўрнига экилган чигит униб чиқди. Яна 80 гектар арпа майдонида кечки пахта етиштирамиз.

— Такрорий экин харажатини қоплайдими? Бу юмушни эпломаётганлар бор. Ер чарчаб қолмайдими?

— Китоб замини шунчалар унумдорки, таёқни суқсанг ҳам кўкариб чиқади, — дейди Абдураҳмон ғурурланиб. — Истиқлол улуғ неъмат — ўз еримизга чинакам эгалик ҳақ-ҳуқуқини берди. Одамларнинг томорқасини қўяверинг, хўжаликдаги бир парча ерни бўш қолдириб бўлмайди; нон ҳам насиба, ҳам меҳнатда! Келинг, имкониятларимизни айтиб берай. Жами 1000 гектар суғориладиган майдоннинг 500 гектарида ғалла, 300 гектарида пахта етиштиряпмиз. Яна 250 гектар лалми ерда ғалламиз бор. Ўтган йили 2801 тонна дон етиштириб, режадагидан 300 тонна ортиқча — 2174 тонна ғаллани давлатга сотдик. Бу йил ҳам ўшанча ер, аммо ҳосилдорлик ўртача 40 центнердан кам бўлмайди. Хусусан, 250 гектар майдондаги «Санзор-8» навли буғдойнинг ҳосили мўл.

— Кўп хўжаликларда маҳсулотни, жумладан ғаллани арзон сотишгани, натижада қарзга ботишгани ҳақида гапиришади. Сизларда аҳвол қандай?

— Мен деҳқонман, умрим дала кезиб ўтяпти, — дейди жамоа-ширкат раиси Абдураҳмон Маллаев. — Ўз нонимизни ўзимиз етиштиришимизга не етсин. Ўтган йили икки миллион сўмга яқин қарз билан чиқдик. Аммо пахта ва бошқа маҳсулотларимиз эвазига камида 5-6 миллион сўм қўлимизга тегиши керак. Агар маҳсулотимизни олган ташкилотлар ўз вақтида ҳақимизни тўлаб қўйишса, қарз ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Эндиликда кўпроқ даромад олиш, ердан самарали фойдаланиш учун ҳамма имкониятни қидиряпмиз. Бу йил камида 1000 тонна пахта етиштирамиз, демак, даромад катта бўлади. 30 гектар ерда сабзавот бор. Ғалласи ўриб олинган майдонларнинг 8 гектарига кечки картошка, 50 гектарига дон учун маккажўхори, 30 гектарига тамаки экяпмиз. Тамаки ҳар йили яхши ҳосил беряпти. 150 гектар ғалла ерини такрорий экин экиб олишлари учун одамларга ажратганмиз. Шартномага асосан, ўзлари шудгор қилишади, ўзлари уруғ топиб, экишади. Кузги ғалла экиш пайтида ер бўшайди, Ҳосилнинг 10 фоизи хўжалик ҳақи! Одамларни имкон даражасида қўллаб турибмиз. Ўтган йили дон бердик, 500 тонна сомонни бепул тарқатдик, 120 ночор оилага ёрдам берилмоқда. Бугунги кунда қуруқ гап билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳукуматимиз қишлоқни ривожлантириш борасида изчил қарорлар қабул қилмоқда. Тўқсон тўртинчи йилда 1 миллион 336 минг сўм сарфлаб кичик бўлса-да, сутпишлоқ заводи қуриб олдик. Ғишт корхонаси ишлаб турибди. Маиший хизмат цехи бор. Хўжаликнинг маблағи ҳисобига 220 ўринли мактаб қурилди. Яна битта янги мактаб биноси мустақиллик куни арафасида фойдаланишга топширилади. Пахта толаси, тамакини газлаштириш учун ишлатмоқчимиз. Бу сингари режалар кўп.. Эсон бўлсак, улар рўёбга чиқади...

— Абдураҳмоннинг орзулари ҳар биримизнинг дилимизда, — дейди туман ҳокими Ўктам Хидиров. — Китоб тумани мамлакатимизнинг табиати энг саховатли манзилида жойлашган. Мева ҳам, узум ҳам, сабзавот ҳам мўл битади. Иқтисодни кўтариш учун бу йил 12 минг тонна пахта етиштирамиз. Аммо дон иқтисодда етакчи ўринга чиқди. Бу йил 38 минг тонна ҳосил жамлаш ниятимиз бор. Ҳали янги ерлар очилади, дон янада кўпаяди. Ҳозир 84 та оддий, битта Америка комбайнига эгамиз. Америкада ишлаб чиқилган, иш унуми юқори комбайндан яна 3 та оламиз. Бир мисқол ҳам дон нобуд бўлмайди.

Туман далаларида ўроқчилар ғайратини кузатганда, қалбимизда ардоқли Ўзбекистонимиз иқболи, ширин-ширин орзуларни қўзғади. Тилимизга қўшиқнинг нондек тотли сўзлари келди. Бу — туйғу донга тўлган бошоқлар мавжи, шу муқаддас тупроққа, унинг неъматларига шукроналик эди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ТЕРРОРЧИЛАР УСТИДАН СУД БОШЛАНДИ

АНҚАРА. Туркиянинг Истанбул шаҳрида бундан беш ой илгари «Аврасия» кемасини гаровга олган 9 террорчи устидан суд бошланди. Маълумки, жиноятчилар Туркия ҳукумати олдига қўйган талаби қабул қилинмагач, 211 нафар йўловчининг барчасини озод қилиб, полицияга таслим бўлган эди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, суднинг дастлабки мажлиси жиноятчилар иштирокисиз ўтган. Улар судда Кавказ халқлари миллий кийимида ҳозир бўлишга рухсат бўлмагани боис, унда қатнашишдан бош тортган. Шунинг учун, суд мажлиси фақатгина жиноятчиларнинг оқловчилари иштирокида ўтказилган.

ЯНГИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Исроил янги Бош вазири Беньямин Нетаньяху мамлакат бошқарув тизимини қисман ўзгартиришга қарор қилди. У Исроил Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида тўғридан-тўғри ўзига бўйсунадиган Миллий Хавфсизлик Кенгаши (МХК) ва Иқтисодий масалалар бўйича Кенгаш (ИМК) тузилганини маълум қилди.

Б. Нетаньяху олдинги ҳукумат раҳбарларидан фарқли ўлароқ, мудофаа вазири вазифасини ўз зиммасидан соқит қилди. Бош вазирнинг фикрича, мудофаа ишларини у бевосита Миллий Хавфсизлик Кенгаши орқали бошқаради.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

Россия Президенти Борис Ельцин ўз фармойиши билан Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Олег Сосковец, Федерал хавфсизлик хизмати раҳбари Михаил Барсуков ва Президент хавфсизлигини таъминлаш хизмати раҳбари Александр Коржаковларни ўз лавозимларидан озод қилди. Ушбу қарорни Б. Ельцин Бош вазир Виктор Черномирдин билан қисқа учрашувдан кейин қабул қилди.

***

Фаластин матбуоти бўлажак мустақил Фаластин давлати Конституциясининг биринчи лойиҳасини эълон қилди. Лойиҳада Иерсуалим шаҳрида пойтахти бўлган давлатни ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳужжатда таъкидланишича, Иерсуалим учта диний мазҳаб учун ҳам муқаддас шаҳар бўлиб қолаверади.

***

«Япония ва Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дипломатия алоқаларини ўрнатиш бўйича музокаралар бошлаш учун умид учқунлари пайдо бўлди», деб ёзади Японияда чиқадиган «Иомиури» газетаси.

«Иомиури»нинг хабар беришича, шу йилнинг 24 июнидан 1 июлгача Шимолий Корея Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарларидан бири Ли Тан Чин Япония Ташқи ишлар вазирлиги билан норасмий музокараларни бошлайди.

***

Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Вьетнамга ташриф буюрди. Икки кунлик амалий ташриф давомида Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбари Вьетнам Президенти Ле Дик Ань, Вьетнам коммунистик партияси Бош котиби До Мио ва Бош вазир Во Ван Киет билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

АҚШДАГИ И ЛМИЙ МАРКАЗЛАР БИЛАН АЛОҚА ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиши даврида тадбиркор, ўз ишининг устаси, рақобат ва кооперация масалаларини тўғри ҳал эта оладиган юқори малакали кадрлар республика учун жуда зарур. Мамлакатимиз жаҳон интеграциясига кириши учун авваламбор таълим тизими жаҳон тажрибасини ўрганиши лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро ташкилотлар билан дастлабки мулоқот асосан танишув тусига эга эди. Ҳозир эса муносабатларимиз тубдан янги йўналишга ўтди.

Мустақилликнинг илк йилиёқ Ўзбекистон Президенти томонидан ташқи ўқув ва илмий алоқаларни кенгайтириш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ)га катта ёрдам кўрсатилди. Шу йили ўн нафар иқтидорли талаба АҚШ университетларида ўқиши учун 100 минг АҚШ доллари ажратилди. Бундай имтиёз ва яратилган шарт-шароит туфайли бугунги кунда илм даргоҳимиз жаҳоннинг илғор университетлари ва илмий марказлари, асосан АҚШдаги университетлар билан халқаро алоқалар олиб борувчи олий ўқув юртлари орасида республика миқёсида етакчи ўринни эгаллайди. У ўндан ортиқ АҚШ университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликда ишлаш учун шартномалар тузган. Булар Кентукки, Оклахома, Мичиган, Мерилэнд, Иллинойс, Колорадо, Висконсин штатларидаги университетлар, Бейлор, Эмори, Хардин-Симоннс университети, Келлог бизнес мактаби, Колорадо штати иқтисодиёт институтлари ва бошқалардир.

Тўқсон биринчи йилдан буён ҳозиргача АҚШда 96 нафар талаба ўқимоқда. Булардан 23 нафари ўқишни тугатиб, «Бизнес администрейшн бакалаври» даражасини эгаллади. Бир неча аспирант ва талаба МБА даражасини олиш учун ўқишни давом эттирмоқда. Ўтган мустақиллик йиллари даврида университетнинг юз нафардан ортиқ ўқитувчиси турли дастурлар билан АҚШга бориб келди. Жумладан, ўтган йили Жаҳон банкининг Иқтисодий Ривожлантириш институти билан ўқитувчиларимиз ташкилотларни хусусийлаштириш ва қайта қуриш тизими, банкларни муваффақиятли бошқариш, ижтимоий соҳани лойиҳалаштириш, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва чет эл сармоясини жалб қилиш, «Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиявий таҳлил бўйича» семинар, КОХРАН «Аграр сиёсати» сингари дастурларда иштирок этдилар. Ушбу институт ёрдамида ТДИУда қўшма Вена институтининг Минтақавий Маркази («JVI») очилган бўлиб, унинг мақсади илгари иқтисоди марказлашган режа асосида иш юритган, ҳозир эса бозор иқтисодига ўтаётган давлатларга мутахассислар тайёрлаб беришдан иборат. «JVI» бозор иқтисоди ва молиявий таҳлил бўйича турли курсларни таклиф этади. 1992-1996 йилларда бозор иқтисоди ва молиявий таҳлил бўйича 11 ҳафталик олтита бошланғич курслар ўтказилди. Буларда Ўзбекистоннинг давлат хизматчиларидан 51 нафар киши ўқиб чиқди. Унинг 15 нафари иккинчи босқичга — Венада ўқишни давом эттиришга танлаб олинди.

ТДИУ ва Ўзбекистон Республикаси «Ўзистиқболстат»нинг ўзаро шартномаларига асосан Жаҳон банки ёрдамида «Микроиқтисодий сиёсат бозор иқтисодиёти асослари» бўйича ўнта бошланғич курслар ташкил этилди. Уларда жами 346 нафар тингловчи иштирок этди.

1991 йили ТДИУ ташаббуси ва АҚШ Арканзас штатининг кўмаги билан «Келажак» номли халқаро бизнес мактаби очилди. Бу мактабнинг асосий мақсади фақат Тошкент шаҳрида эмас, балки республиканинг барча вилоятларидаги иқтидорли ёшлар билан ишлашдир. Мактабни тугатувчилар тест натижалари бўйича тендер асосида АҚШнинг университет ва бошқа ўқув муассасаларига ўқишга жўнатилади. 1991 — 1995 йилларда бизнес мактабининг 125 нафар битирувчиси АҚШга жўнатилди ва улардан 36 нафари АҚШ давлатининг ACCELS дастури томонидан молиялаштирилди. Ўтган йили ёзги бизнес мактаби ишини ташкил қилиш учун «Евразия» фондидан 10 минг доллар (АҚШ) грант олинди.

АҚШ ўқув юртлари билан алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида бир неча кун илгари АҚШга бориб келдик. Сафар давомида ТДИУ вакиллари Мичиган, Оклахома ва Нью-Йорк штатлари университетлари билан янги шартномалар туздилар. Бунга асосан ўқув юртлар ўртасида ўқитувчи ва олимлар ҳамда талабалар алмашувлари, қўшма илмий-тадқиқот ва методик ишларни олиб бориш кўзда тутилган. Ҳамкорлик жараёнида Америка университетларида қўлланилаётган ўқув дастурлари, режаларни синчиклаб ўрганиш асосида республикамиз иқтисодий таълим тизимининг жаҳон андозаларига ўтказилиши таъминланади.

Сафар натижасида биз Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) Институти ва Жаҳон Банкининг Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) раҳбарлари билан ҳам учрашдик. Музокаралар натижасида бу ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгаяди. Жумладан, ХВФ институти ўтказадиган семинар ва дастурларда ТДИУ профессор-ўқитувчилари қайта тайёрланиб, келгусида бирлашган ҳолда «Макроиқтисодиёт ва молия сиёсати тузиш ва таҳлил қилиш» мавзуига бағишланган семинарлар ўтказилади. Мақсадимиз қисқа давр ичида жаҳондаги барча илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда келажаги буюк давлат — мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишини таъминлаш.

Дурбек АҲМЕДОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг илмий ишлар бўйича ректор муовини, иқтисод фанлари доктори.

АМЕРИКА — АТЛАНТА — ОЛИМПИАДА

Юртимиз спорт юлдузларининг фикри-хаёли шу сўзлар билан банд. Умуман, спортчиларимизнинг омади бор экан. Боиси, улар замонавий олимпиада ўйинларига асос солинганлигининг 100 йиллиги нишонланадиган айём кунлари йирик спорт байрамида қатнашишга шайланмоқдалар. Яна бир ойдан кейин Американинг Атланта шаҳрида бошланадиган ёзги олимпиада ўйинлари унутилмас ва бетакрор воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда.

Юртдошларимиз учун Атланта олимпиадаси биринчи, десак бўлади. Чунки, спортчиларимиз 1958 йилдан бери олимпиада ўйинларида баҳоли-қудрат қатнашиб келишаётган бўлса-да, бу сафар мустақил терма жамоа сифатида истиқлол юртимиз спорт шарафини ойюлдузли байроқ остида ҳимоя қиладилар. Бугунги кунда олимпиадага йўлланмани нақд қилиб қўйган қарийб 80

Спорт

нафар йигит ва қизларимиз астойдил маҳорат кўрсатиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлиш, ғолиблик шарафига давлатимиз мадҳиясини янгратиш ниятида. Ватандошларимиз океан ортида бошланадиган йирик спорт анжуманида спортнинг 13 тури бўйича баҳслашадилар. Атланта ҳавосига мослашиш, машқларини тобига етказиш ниятида бир гуруҳ спортчиларимиз 5 июль куни сафарга отланадилар. Қолганлар эса олимпиада ўйинлари бошланишига бир ҳафта қолганида йўлга чиқадилар.

Мухлислар бокс, кураш, эшкак эшиш, сузиш, оғир атлетика мусобақаларида қатнашувчи йигит-қизларимизга катта умид боғлашмоқда. У ёғини сўрасангиз, истиқлол баҳорининг беш йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган юртимизда йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш ҳамда хорижий элларда баҳслашиш бобида тажриба орттирилган. Хусусан, Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинлари, Тошкентда Осиё бокс чемпионати ҳамда Марказий Осиё ўйинлари халқаро талабларга мос даражада уюштирилгани хорижий мутахассисларнинг эътирофидан маълум.

Албатта, Атланта олимпиадасига бориш фақат маҳоратни ошириш ёки намойиш этиш билан кифояланмайди. Ҳар бир саъй-ҳаракатнинг иқтисодий томонлари ҳам бор. Миллий олимпиада қўмитаси мутасаддилари сарф-харажатни қоплаш мақсадида миллионта олимпиада лотереясини тарқатишни лозим топди. Имтиёзли лотерея ўйинлари кўпчиликка маъқул келмоқда. Ахир, 150 сўмга Америкага боришни ким истамайди, дейсиз. Албатта, бир ёғи омадга ҳам боғлиқ. Жумладан, наманганлик Баҳодир Неъматовнинг бахти чопган. У спорт лотереясини ютиб, олимпиадага борадиган бўлиб турибди. Борди-ю кимгадир супер-ютуқ чиқиб қолгудек бўлса, энг бахтиёрман, деяверсин. Сизни Америка бўйлаб саёҳат қилдиришади, махсус машина бериб қўйишади. Энг қизиғи олимпиада ўйинларини томоша қилиб бўлгач, ўша «Жип» машинасида юртингизга қайтиб келаверасиз.

Мирзо АНВАР.



АҚШ. Калифорния штатидаги Ёсимит миллий боғи.

Рей МЬЮС (Сиэтл) олган сурат.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан қуйидаги маҳсулотларни

— «ГАЗ-31023» тез тиббий ёрдам автомобиллари;
— газ ва сув учун диаметри 50, 57, 76 мм. бўлган металл трубалар;
— ЭМИЛ-46 УД 1 (диаметри 4 мм.) электродлари;
— қалинлиги 0,55 мм. бўлган тўшамалар.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан ёки вексель орқали амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ботир Бобоев кўчаси, 145-уй. (Пединститут ёнида).
11-, 14-, 6-троллейбуслар, 11-, 32-, 77-, 135-автобуслар, 47-йўналишдаги такси орқали бориш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 53-14-58, факс 53-14-29.

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида

СОТАДИ

ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нархлар арзон, шартнома асосида.
Улгуржи харидорлар учун нарх туширириб берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

ЭЪЛОН

Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қабулхона котибаси ва шофёрлик лавозимларига ишга қабул қилади. Қабулхона котибаси лавозимига ишга кирмоқчи бўлган номзодлар университетни тугатган ҳамда котиба сифатида иш тажрибасига эга бўлиши, оргтехникада ишлай билиши, ўзбек, рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олиши керак.

Ҳайдовчилик лавозимига ишга кирмоқчи бўлган номзодлар эса етти йиллик меҳнат стажига эга бўлиши ва шофёрлик гувоҳномасида ДАН томонидан В, С, Д белгилари қўйилган бўлиши лозим.

Хоҳловчилар Индонезия элчихонасига ариза, таржимаи ҳол, меҳнат дафтарчасидан нусха, паспорт ва икки дона сурат билан шу йилнинг 6-10 июль кунлари мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 6 уй.

«МУНОЖОТ»НИ ЁШЛАР СЎРАСА...

Диллашув

У «Алла» ашуласини айтганида болаларнигина эмас, катталарни ҳам аллалаётгандай туюлаверади. Инсонгагина хос ва муносиб бу туғёнли нолани қўшиқ сифатида кўнгилларга аллақачон муҳрлаган хонандалар ҳам унинг бу ижросига тан берган. Қолаверса, яна бошқа ўнлаб чиройли ижролари билан кўнгилларга ўрнаша олган санъаткор — Гулбаҳор ЭРҚУЛОВА суҳбатдошимиз.

— Гулбаҳорхон, нега энди бугун «урф бўлган» шўх яллалар санъатини эмас, мумтоз ашулачиликни танлагансиз?

— Қўшиқ деганда мен ичимдаги дардимни тушунаман. Куйлаганда ҳордиғим чиқади, ўзимни анча енгил ҳис қиламан. Йўл танлашга келсак, балким бу инсоннинг хулқ-одоби ҳаётни тушуниши билан боғлиқ бўлиши ҳам эҳтимол. Аслида шўх, яллабоп ашулаларим ҳам бор бисотимда, лекин улар менинг истеъдодимни баҳоловчи мезон бўлмаслиги лозим. Зеро, мумтоз ашулани меъёрига етказган ҳофиз шўх яллаларингизни ҳам кутганингиздан зиёда ижро қилиб беришига ишонаверинг. Аммо ўзини «эстрада»нинг юлдузи санайдиганларнинг баъзилари бирор мақомни куйлаб бера олишига шубҳам бор. Бу фақат ижро-ю кўз қарашлар билангина ҳал бўлиб кетаверадиган иш эмас-да. Шунга яраша дард, уни чиқара олиш учун юрак, юракларни сел қилиш учун эса маҳорат керак. Буларни мужассам қилиш — санъатдаги даражангизни белгиловчи мезон.

— Жуда қаттиқ синов бу ва эътироф этиш зарур — тўғри ҳам. Сизнингча, бу даражага кимлар муносиб?

— Мен бизга устоз саналмиш донгдор ҳофизларимизга баҳо бериш фикридан йироқман. Бугунги ўзбек қўшиқчилигимизни эса Шерали Жўраев, Жўрабек Набиев, Неъматжон Қулабдуллаев ва Таваккал Қодиров (жойлари жаннатда бўлсин)лар санъатисиз тасаввур этиш маҳол. Бир неча йиллардан буён елкамаелка куйлаб келаётган дўстларим Матлуба Дадабоева, Насиба Сатторова, Маҳбуба Ҳасанова, Марям Сатторовалар ҳам мумтоз санъатимизнинг давомчилари деб биламан.

— Келинг, шу мавзуда янада чуқурроқ фикр юритайлик. Сизнингча, «Санъаткор», олайлик аёл санъаткор қандай бўлиши керак?

— Аввало, у ҳаётда ҳам санъаткорона яшаса қани. Оиласи бўлса — ўзгача бахт, юриш-туриши, саҳнадаги маданияти, ашуланинг мазмун-моҳияти ҳаммаси ижобий бўлади. Бу инсоннинг уйда бошқа, кўчада бошқача бўлишига, очиқ ва рост айтганда эса икки юзламачилигига чек қўяди. Саҳнада сизга меҳр-мурувват «тарқатувчи» бўлиб қўшиқ айтсаю, саҳна ортида ўзи меҳр-мурувват, тарбияга муҳтож бўлса. Мен ундайларга ачинаман, баъзан эса қаҳрим келади.

Яна бир томони — бу ҳам ўша юқоридаги сифатлар билан боғлиқ — у файзли, назокатли бўлиши лозим. Руслар «женственность» дейди, аёлларга хос шарқона сифатлар унда бисёр бўлиши лозим. Энди булар ҳаммаси яна ўша санъаткорнинг оиласи бўлиши, бўлганида ҳам бахтиёр оиласи бўлишини тақозо этади. Шунданми, санъаткор аёлларимизнинг баъзан оиласиз эканликларини кўрганимда, очиғи, раҳмим келади...

— Бу қарашлардан сўнг ўз-ўзидан сизнинг эстрадага муносабатингизни ҳам сўраш эҳтиёжи пайдо бўлади, яъни...

— Умуман, жуда тўғри тушундингиз. Шу боис келинг, бу мавзуни четлаб ўта қолайлик. Биргина тилагим — уларга Оллоҳ инсоф берсин.

— Келишдик. Гулбаҳорхон, охирги йилларда ижро этаётган «Ўзбекистоним», «Ассалом, ўзбегим» ашулаларингиз барчага бирдай маъқул бўлди. Айтиш жоиз бўлса, Сизни бир поғона кўтарди, катта муваффақият келтирди. Уларнинг яратилиш тарихи қандай?

— «Ассалом, ўзбегим»нинг шеъри (Ҳамид Ғулом ёзганлар) қўлимга тушиб қолди-ю, бастакор Дони Илёсовга олиб бордим. Шу бир туҳфа бўлсин Мустақиллик байрамизга деган ният билан куй ҳам яралди. Ўзи икки дақиқа-ю қирқ беш сониялик қўшиқ. Мустақиллиқнинг бир йиллигига бағишланган катта дастур якунида ижро этиб чиқдим. Бу қандай фахр, ғурур бахш этганини билсангиз эди, кўзлар ёшланган, эҳ... Меҳнатнинг, ижоднинг роҳат-фароғати, лаззати деганлари ўзи шу-да. «Ўзбекистоним»га келсак — бу Неъматжон Қулабдуллаевнинг асари. Шу одамнинг ашуласини айтиш жуда қийин. Ўзлари биргина дутори билан Сизни шундай сеҳрлаб қўяқоладилар-ки. Ана буни истеъдод дейдилар. Бундай истеъдодлар жуда кам туғилади, фақат биз уларнинг етарлича қадрини билмай юрамиз.

— Гулбаҳорхон, мавзуни ўзгартириш мавриди келди, чоғи. Айтингчи, дунёнинг шодлиги — Сиз учун нима?

— Менга қолса, ҳаётимнинг шодлиги ҳам, мазмуни ҳам топган бойлиг-у давлатим ҳам — мени дунёга келтирганларим — отам, онам, оилам, санъатим, эришган озми-кўпми ижодий натижаларим, топган дўстларим-у мухлисларим. Улар билан санъат тилида гаплаша олишни катта шараф деб биламан. Устозларим — Фаттоҳхон Мамадалиев, Неъматжон Қулабдуллаев, Салоҳиддин Тўхтасинов, Абдуҳошим Исмоилов, Қаҳрамон Комилов, Орифхожи Алимаҳсумов, Берта Давидова, Барно Исҳоқова, Ҳабиба Охунова, Коммуна Исмоилова...

Яна бир давлатим бор. Биласизми, нега мумтоз ашулачилик мени бунчалик ўзига тортаверади. Эътибор беринг-а, сўзларини баъзан ўқиганингизда ҳам тушунмайдиган, ҳис қилмайдиган ғазаллар мақом нолалари билан қалбингизга етиб боради. Ҳар қалай, баъзан ашула куйлай туриб эндигина сиз айтмоқчи «эстрада»дан «мириққан» тингловчининг сийратида, кўзидаги акс-садони илғайман. Бу — илинж, орзу-ку. Фақат мақтанишга йўйманг. Бундан фахрланаман, буни орзу қилиш бошқа, бажара олиш бошқа. Оллоҳ менга ҳам насиб этган экан бундай топилмас давлатни. Мен яна нени дейин...

Гулбаҳор, устозларидан бири айтмоқчи, ёшлар тоифасидаги қўшиқчи. Ростдан ҳам агар у қўшиқчиликнинг «ёшларбоп» енгилроқ йўлини танлаганида балким натижалар бундан ҳам бошқачароқ, айтмоқчимизки, улканроқ бўлармиди... Аммо Гулбаҳорхон осон битадиган арзон ишларга бош қўшмайдиган, санъатда, телевидениеда қандай дард, қандай қувонч билан юрса — ҳаётда ҳам ана шулар билан яшайдиган ўзбекнинг бир сўзли, айни дамда қатъиятли фарзанди. Шунданми — кам бўлгани йўқ.

Севинади — ўзбекнинг мумтоз ашуласини, майлига «Муножот»ними, «Ушшоқ»ними ёшлар илтимос қилса...

Ҳусан ЭРМАТОВ,
Дониёр БЕГИМҚУЛОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматда 30414 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 24

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
9.20 «Қалб садолари». Манзарали фильм.
9.30 «Кашф этилаётган имкониятлар». Республикамиз қишлоқларида тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари ҳақида.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
10.50 «Севгим менинг — андўҳим менинг». Бадиий фильм.
12.20 Футбол. Европа чемпионати.
14.00 —14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Университет таълими истиқболлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Хазина».
19.10 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар қўрик-танлови.
21.40 «Санъатга бахшида умр». Халқ артисти Бернора Қориеванинг ижодий кечаси. Алишер Навоий номидаги академик Катта опера ва балет театридан эзиб олинган.
22.20 «Талқин». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.55 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.15 «Камертон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қўрьер».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Прайм-тайм».
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.
23.00 —24.00 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Олатов гулдастаси». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40
*
20.40 «Самарқанд», «Ўғил, набира, чевара». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кимга қанақа?»
19.20 «Қўғирчоқ». Болалар учун дастур.
19.50 «Жаҳон янгиликлари». Халқаро шарҳ.
20.10 Эълонлар.
20.15 «Замин саховати».
20.45 «Етакчилар».
21.00 «Ўтган кунлар».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Акциядор лугати».
21.45 «Умид» (ўйғур тилида).
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 «Кинематограф».
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ёшлар ва замон».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Неъмат Қўзибоев». Телефильм.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Кичкинтой» студияси. «Қўнгироқча».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
*
12.00 «Наманган наволари». Мусиқий дастур.
12.30 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 АКСЕЛС. Таълим соҳасидаги халқаро алоқалар.
18.40 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бозор иқтисодиёти: муаммо ва ечим».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.35 «Анъаналар этади давом...» Мусиқий кўрсатув.
22.15 Аброр Содиқов. «Мулкдор». Телеочерк.
22.50 «Санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов портретига чизгилар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ёшлар билан юзма-юз». Таҳлилий кўрсатув.
00.25 — 00.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.15 «Постфактум».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.25 — 00.25 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ватанга қайтган хазина». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
18.10 — 20.40
*
20.40 «Бу ажиб дунё».
*
Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Шаҳрим — фахрим».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
21.20 «Қўркам сакура».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Америка бизнесининг тарихи». 9-кўрсатув. «Корпоратив бюрократия».
23.15 Эълонлар.
23.20 «Безнен мирас» (татар тилида).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 26

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов портретига чизгилар.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.30 «Соғлом авлод учун!». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Хусусийлаштиришнинг дастлабки самаралари.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриент-96. Физика.
*
12.00 «Гулгунчалар».
12.15 Ўзбек куйларидан концерт.
12.45 «Келинлар қўзголони». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «ХХ аср вабоси». Гиёҳвандликка қарши кураш.
18.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.30 «Мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий кафолати».
22.00 «Адашлар». Кинокўрсатув.
22.25 Мусиқий дақиқалар.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дустлик» — «Суғдиёна» (ёзиб олинган).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.
22.55 —23.55 «Спорт қитъаси».
III
17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
17.20 — 20.40
*
20.40 Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Келажак синовлари». Бадиий фильм.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Экология ва ҳаёт».
19.30 «4-каналнинг эксклюзиви». Литвада Ўзбекистон кўргазмасидаги учрашувлар.
20.00 «Нафосат гулшани».
20.30 «Савол — жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тошкент оқшомида».
22.05 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.35 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Кинематограф».
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Адашлар». Кинокўрсатув.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.15 «Бир дунё болалармиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Икки эшик орасида». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Адабиёт.
*
12.00 Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти анъанавий ижро ва созандалик бўлими битирувчиларининг концерти.
12.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «МХСК» (ёзиб олинган).
14.00 —14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Форишнинг бир куни». Телеочерк.
18.30 Усмирлар учун. «Улғайиш погоналари».
19.00 «Санъат олами». Мусаввир Рустам Худойберганов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.15 «Сўзга сиғинган умрлар». Республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.15 «Ер-ёр». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал.
01.25 — 01.35 Тунги концерт.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хобби-холл».
20.15 «Мусиқа, холос...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.35 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Арслонбоб». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
18.10 — 20.40
*
20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Компьютер-ревю».
19.25 «Менинг маҳаллам».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Каталог».
21.05 Эълонлар.
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Эколот-коктейль».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.15 «Сизга таъзим!».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Нафосат олами». Кинодастур.
9.05 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Хирмон бўлиб тўкилди дон...»
11.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
11.35 «Камолот йўли». Маърифий кўрсатув.
12.05 «Бир наво янграр дилимда». Мусиқий композиция.
12.40 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эҳтиёт бўлинг, поезд!».
18.20 «Ислоҳот ва масъулият». Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш.
18.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
21.45 Санъат усталарининг концерти.
22.20 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар даврасида.
22.50 «Саҳна ҳаёти».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 —00.25 Эстрада тароналари.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Семург — бахт қуши». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
18.15 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Елланда».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Сайёрамиз садоси».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Салом, Франция!».
21.45 Кининг олтин асри. «Катта пойга». Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 «Бу ажиб дунё».
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Актёрлар ва роллар». Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театрининг актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Зоҳидова.
11.35 «Қувноқ стартлар». Саралаш мусобақалари.
12.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
13.40 — 14.35 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Жаҳонгашта қўғирчоқлар».
18.35 «Мультипанорама».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қизил гуллар ғунча-ғунча». Гулбаҳор Сулаймонова куйлайди.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Суғдиёна» — «Навбаҳор» (ёзиб олинган).
21.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Софи Лорен.
II
18.00 «Эртаклар диёрига саёҳат».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Таманно».
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Даракчи».
21.45 «Оҳанглар оғушида».
22.25 — 00.05 Видео — «О».
III
17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар
*
Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 23.05
*
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.35 «Панорама».
IV
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли булсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 Эълонлар.
12.20 «Парле ву франсе?» Француз тили ҳамма учун.
12.50 «Жонли сайёра».
13.10 «Дарвоқе».
13.30 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 3-серия.
15.00 «Иштирок этувчилар».
15.30 «Учувчи шифокорлар». Телесериал. 3 ва 4-сериялар (Англия).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телеташриф».
19.15 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 Араб эстрадаси.
20.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
20.40 «Оқ соя».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 4-серия.
23.20 «Сенинг вақтинг».
23.50 Эълонлар.
23.55 «Бу ажиб дунё».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

САВДО ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!
"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО" ва "ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО"
ҳиссадорлик жамиятлари
ШУ ЙИЛНИНГ 25-27 ИЮНИДА
3000 дан ортиқ турдаги электротехник асбоб-ускуналари, кабель сим ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг
САВДО ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.
Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча давлат ташкилотлари, вазирликлар, кичик корхоналар, фермерлик хўжаликларини
Савдо ярмаркасига таклиф этамиз.
Ярмаркада маҳсулотлар устама нархи 50 фоизгача арзонлаштирилган баҳода сотилади.
Манзилгоҳимиз:
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7-уй.
ЯРМАРКА ҚЎМИТАСИ.

КОРХОНА
пул ўтказиш йўли орқали БЗН ва БВ (1000x250, 800x250) маркали тегирмон вальцларини
СОТАДИ.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. (Тельман боғининг қаршиси).
Телефонлар: 67-23-74 (тел/факс), 67-77-41.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 54-сонли «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика Халқ банки бўлимларида «Индексация» ҳисобларини очиш 1996 йил 30 июнгача давом этишини яна бир бор эслатамиз.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ.

«Тошкент вилоят сув хўжалиги қурилиш» трест ва унинг бўлинмалари жамоалари трест бошқарувчиси Х. М. Мадалиевга онаси
САНГИЛ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси маъмурияти ва жамоаси Самарқанд вилоят инкассация бошқармаси бошлиғининг муовини, Самарқанд шаҳар инкассация бўлими бошлиғи
Собир ҲАМИДОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.